

## ШАРТНОМА № 16

2022 йил « 14 » декабр

Навоий шаҳри

ООО **NAVOIY NEW STAR** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Ш.Абданов ҳамда иккинчи томондан **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими** ("Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар О.Аслонов ушбу шартномани қуйидагича туздилар:

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га 22110012199166 лот ва ушбу лотнинг техник талаблари асосида хизмат курсатади. "Буюртмачи" эса ушбу курсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2. "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" учун:

№	товар (иш-хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Хажми (микдори)	Нархи	Умумий суммаси
1	Персональный компьютер	дона	1	10 000 000	10 000 000
2	Ноутбук	Дона	1	9 000 000	9 000 000
3	Телевизор	Дона	1	2 700 000	2 700 000
4	Принтер	Дона	1	2 500 000	2 500 000
5	Принтер-А4, ок кора 3x1	Дона	1	3 020 000	3 020 000
6	Персональный компьютер	Дона	1	3 800 000	3 800 000
	<b>Жами суммаси</b>				<b>31 020 000</b>

Сумма: ўттиз бир миллион йигирма минг сум  
(сўз билан ёзилади.)

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

"Бажарувчи" нинг мажбуриятлари:

2.1. Ишни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Буюртмачи" га сифатли ва ўз вақтида топшириш.

"Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2. Ишни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, "Буюртмачи" шу муддатда "Бажарувчи"га аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

2.3. Шартномада белгиланган баҳода ҳақтўлайди.

### 3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси - 31 020 000 сумни ташкил этиб, Ишнинг хар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича хисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% тўлаш, қолган қисмини Иш қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун давомида тулаш йули тўлаш, қолган қисмини Иш қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун давомида тулаш йули билан амалга оширилади.

3.3. "Бажарувчи"нинг айби билан "Буюртмачи" ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у тўловни тўлашни кечиктиришга ҳақли.

### 4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Иш бажарилгандан сунг "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва муҳрланади.

4.2. Таъмирланган оргтехника тасодифан нобуд булиши ёки тасофидан шикастланиши хавфи иш топширилган пайдан бошлаб "Буюртмачи" га ўтади.

4.3. Ишни топширишдан бошлаб, келишилган муддатга қадар "Буюртмачи" сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Ҳазначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан сўнг конуний кучга киради ва 2022 йил "31" декабр гача амал килади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 20% миқдорда жарима тўлайди:

6.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун "Буюртмачи" "Бажарувчи"га хар бир кечиктирилган кун учун, тўловни кечиктирилган қийматининг 0,5% миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.4. Ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафлар шартнома суммасининг 2% миқдорда жаримавий неустойка тўлайди.

6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. НИЗОЛАРНИНГ ХАЛ КИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар уртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятоар тарафлар уртасида музокоралар олиб бориш йули билан хал этилади.

7.2. Музокоралар олиб бориш йули билан низони хал этиш имконияти булмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин ҳужалик судига куриб чиқиш учун топширилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Томонларнинг хошиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## 9. Коррупцияга қарши шартлар.

### 9.1. Томонлар

-томонлар уларнинг афилланган (ўзоро боғланган) шахслари ва ходимлари ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва ёки коррупция характерига эга бўлган. Шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада қилиши тақиқланади.

-томонлар уларнинг афилланган шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимларини қандайдир шаклда рағбатлантириши, шу жумладан пул суммалари кўринишида совғалар тақдим қилиши, уларга беғараз хизмат кўрсатиши, ёки ваколатланган вакил томонидан рағбатлантириш каби ҳаракатларни амалга оширишдан воз кечадилар.

9.2. Томонлар ушбу шартноманинг 9.1-бандидаги талабларни бузиш ҳолатлари юзага келганда тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиши, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан иш тутиши лозим.

## 10. БОШКА ШАРТЛАР.

10.1. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат хўжалик судининг қарорига биноан бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма тақлиф бериш йули билан амалга оширилади. Тақлиф олингандан сўнг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин..

10.2.Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганлиги хакида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.

10.3.Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли

шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.

10.4.Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

10.6. Ушбу шартнома икки томонлама имзоланиб Ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

**Пудратчи:**

**ООО NAVOIY NEW STAR**

**Юридик м: Навоий ш  
Марифат МФЙ 7-дукон**

**ШХР: 20208000705384672001**

**Банк: Ипак йўли Навоий ф.**

**Инфо:00199**

**ИНН: 308458064**

**Рахбар: Ш.Абдулов**



**Буюртмачи**

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси**

**Навоий вилояти бўлими**

**Юридик м: Навоий ш.Навоий -36**

**ХР: 100021860124017085700340003**

**ИНН:205102686**

**Ҳазначилик инн 201122919**

**ХР:23402000300100001010**

**Рахбар: О.Аслонов**

